

**2023 йил I ярим йиллик якунига “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК тармоғида  
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**1. Тармоқ бўйича умумий маълумотлар**

Саноат соҳасида **1 трлн 417 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати амалдаги нархларда **93,5 фоизни** ташкил этди.

*Изоҳ: жаҳонда юз бераётган геосиёсий ҳолатлар сабабли Россия федерацияси, Қозоғистон, Хитой, Эрон ва Туркия давлатларидан металл прокатлари ва металл труба маҳсулотлари Ўзбекистонга демпинг нархларда импорт қилинаётганлиги туфайли ушбу турдаги маҳаллий маҳсулотлар нархлари пасайиб кетди. Шу сабабли, амалдаги нархларда ўтган йилга нисбатан умумий кўрсаткич **93,4 фоизни** ташкил этган бўлсада, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори жиҳатдан умумий кўрсаткич **104,7 фоизни** ташкил этди.*

**660,1 млрд сўмлик 61,0 минг тонна** металл труба маҳсулотлари, **594,4 млрд сўмлик 89,3 минг тонна** металл арматуралар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастури режаси доирасида жами **269,8 млрд сўмлик 38,5 минг тонна** маҳсулот, яъни **217,2 млрд сўмлик 31 минг тонна** юпқа ўрама металл лист ва **52,5 млрд сўмлик 7,5 минг тонна** янги турдаги арматура ишлаб чиқарилди. Яъни, белгиланган режага нисбатан **127,2 фоизга** бажарилди.

2023 йил сентябрда ишга туширилиши белгиланган қиймати **36,4 млн доллар** ва йиллик қуввати **50 минг тн** бўлган “Тўғри чокли металл труба ишлаб чиқариш” янги инвестиция лойиҳаси бўйича 2022 йилда **23,3 млн долл.** ўзлаштирилган ва 2023 йилда қолган **13,1 млн долл.** ўзлаштириш режалаштирилган. 2023 йил январь-март якунига **3,2 млн доллар** миқдоридан инвестиция ўзлаштирилди.

**2. Маҳсулотлар импорт ва экспорти кўрсаткичлари**

Импорт ҳажми **88,3 млн долларни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **77,3 фоизни** ташкил этди. Яъни, импорт ҳажмини камайишига жорий йилда металл трубалар ишлаб чиқарилишида зарур бўладиган импорт ўрнини босувчи юпқа ўрама металл прокати маҳсулоти маҳаллийлаштирилганлиги ижобий самара бермоқда.

Экспорт ҳажми маҳсулотларга Европа сертификатларини жорий этиш ҳисобига **4,2 млн долларни** ташкил этди. (Компаниянинг таркибий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳисобланади).

**3. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва маҳсулот таннархини камайтириш кўрсаткичлари**

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси **91 фоизни** ташкил этди. Маҳсулотлар таннархи **4,0 фоизга (45,3 млрд сўмга)** камайтирилди. Маҳсулот таннархининг камайиши асосан энергия ресурсларини тежаш,

хом-ашё материалларидан оптимал фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва бошқа факторлар ҳисобига амалга оширилди.

#### **4. Дебитор ва кредитор қарздорлик кўрсаткичлари**

Жорий йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорлик **167,8** млрд сўмни, кредитор қарздорлик **1244,2** млрд сўмни ташкил этди. Муддати ўтган қарздорликлар мавжуд эмас.

#### **5. Дунёдаги геосиёсий ҳолатнинг тармоққа таъсири**

Россияга қарши қўлланилаётган санкциялар ва Россияда металл прокатлари экспорти бўйича кўрилаётган чоралар таъсирида Компания таркибидаги “В.Л.Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” ҚК МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган металл труба ва прокатлар реализацияси пасайиб кетди ва 2023 йил бошига омборларда 1 трлн 96 млрд сўмлик маҳсулот йиғилиб қолди. 2023 йил 1-ярим йиллиги якунига ушбу қолдиқ 981,3 млрд. сўмни ташкил этди.

#### **6. Экология ва атроф муҳитни асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар**

Экология соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- Компания таркибий саноат корхоналарида ишга тушириладиган лойиҳаларни экологик кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;
- Металл эритиш ва қуйиш цехларида ҳавога кўтарилувчи аралашмалар меъёрий таркибини белгиланган муддатларда экологик лаборатория текширувларидан ўтилишини назорат қилиш;
- таркибий ишлаб чиқариш корхоналарида атроф муҳитни тоза сақлаш ва экологик меъёрий талаблар бажарилишини таъминлаш.

#### **7. Тармоқда мавжуд муаммолар, хатарлар ва камчиликлар**

1. Жаҳонда юз бераётган геосиёсий ҳолатлар, Россияга қарши қўлланилаётган санкциялар ва Россияда металл прокатлари экспорти бўйича кўрилаётган чоралар таъсирида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Хитой, Эрон ва Туркия давлатларидан металл прокатлари ва металл труба маҳсулотлари Ўзбекистонга демпинг нархларда импорт қилинаётганлиги туфайли ушбу турдаги маҳаллий маҳсулотлар нархлари пасайиб кетди ҳамда маҳсулотлар реализацияси камайди. Хусусан, Компания таркибидаги “В.Л.Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” ҚК МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган металл труба ва прокатлар реализацияси пасайиб, 2023 йил бошига омборларда 1 трлн 93 млрд сўмлик, 2023 йил 1-ярим йиллиги якунига **981,3** млрд сўмлик маҳсулот йиғилиб қолди.

#### **8. Мавжуд муаммо, хатарлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар**

1. Ҳукуматимиз томонидан Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг реализациясини ҳимоя қилиш мақсадида Россия ва бошқа хорижий давлатлардан келаётган импорт маҳсулотларга чекловлар қўйиш (антидемпинг) чораларини кўриш.

2. Россияга қарши қўлланилаётган санкциялар шу жумладан, 11- санкциялар пакети таъсирида Россия Федерациясидан олинаётган импорт металлургия хом-ашёлари учун тўловларни амалга ошириш ва молиявий хавфсизликни сақлаш бўйича Ҳукуматимиз томонидан муаммоларни ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига антидемпинг чораларини кўриш юзасидан таклифлар ҳамда “Ўзбекистон Республикасидаги юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақами очиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси киритилган.

**“Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК**  
**бошқаруви раиси**



**А.Шодиев**